



ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 28 август, шанба № 140-141 (1774)

БЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҚЎМИТА, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартибот ва эл-юрт осойишталигини мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги самарали фаолияти учун фахрий унвон берилсин:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАБИЙСИ
Жеваренко Владимир Николаевич - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Республикамиз қуроли кучларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, давлатимиз ва халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этишда мардлик ва фидоийлик на-

мунасини кўрсатганлиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун куйидагилар мукофотлансин:
«ЖАЛОЛИДИН МАНСУБЕРДИ» ОРДЕНИ БИЛАН
Эргашев Исмоил - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари - Қуроли Кучлар Бирлашган штаби бошлиги

Собиров Алишер Жумамуротович - Мудофаа вазирининг ўринбосари-Жанубий раёон махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондони
Тоҳирий Муиджон Ваҳобович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН
Неъматов Ҳамид Холиқович - Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари
Нажимидинов Зинабудинов Шамшидинович - Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти кафедраси бошлигининг ўринбосари
(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

АМУДАРЁ УЗРА БУНЁД ЭТИЛГАН ҚЎШМА АВТОМОБИЛЬ ВА ТЕМИР ЙЎЛ КЎПРИГИ ҚУРИЛИШИДА ФАОЛ ҚАТНАШГАН ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали меҳнатлари билан мамлакатимизнинг темир йўл соҳасини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, янги йўл ва кўприклар қуришда меҳнатсеварлик, фидоийлик намунасини кўрсатгани ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун куйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»
Абдуллаев Ваҳоб Абдуғаппорович - «Кўприк-Уришли» трести 67-кўприк қуриш отрядининг монтажчиси
Ҳолиқов Абдуолиқ Сайдуллаевич - «Ўзбекистон» темир йўллари давлат-акциядорлик компаниясининг 203-тажриба йўл машина станцияси бошлиғи
«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ ХОДИМИ»
Энс Виктор Павлович -

«Боштранслоиҳа» транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти очик акциядорлик жамиятининг бош муҳандиси - директор ўринбосари
Фидокорона меҳнатлари билан мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга самарали ҳисса қўшгани, темир йўл соҳасига илгор технологияларни жорий этиш ва ўзлаштиришда улкан ютуқларга эришгани, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ҳамда жамоат ишларидаги фаолияти учун куйидагилар мукофотлансин:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН
Авезов Узоқбой - «Ўзбекистон» темир йўллари давлат-акциядорлик компанияси Кўнгирот электроташминлаш масофасининг катта электро-механиги
Маткаримов Мадийёр Султонович - «Тяжмуниндирок» очик акциядорлик жамиятига қарашли 1-қўйма механизациялаш жамланма шўба корхонасининг экскаватор машинисти
«МЕХНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН
Жеваков Сергей Иванович - «Технолог» очик акциядорлик жамияти «Махсус-асбобускуна» илмий-техник фирмасининг бош муҳандиси
Исмоилов Холмурот - «Тоштемирйўллойиҳа» очик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси
(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Қаҳрамони Тўлқин Иброҳимов: БУ КУНЛАРГА ОСОНЛИКЧА ЭРИШИЛМАДИ

Машойхларимизнинг «Боши фалакка тенгдир, мағрурдир инсон», деган пурҳикмат сатрлари бор. Чинданам сидқидилдан тер тўкиб, ташаббус кўрсатиб ишлайётган, она юрти обрўсига обрў қўшаётган инсонлар ҳар қанча эъзозга, ҳурматга лойиқ. Ҳозир биз Истиклол берган имкониятлардан баҳраманд бўлиб, шоду хуррамликда яшаймиз. Фарзандларимизни ёшимизга олиб, кўнгидаги энг яхши орзуларимизни бирин-кетин рўйга чиқараёلمиз.
Бирок бу кунларга осонликча эришилмади. Қанчадан-қанча ота-боболаримиз, юртдошларимиз ўз ерларида, юртларида эмин-эркин яшай олмадилар. Истеъодларини юзга чиқариш учун имкон берилмади. Очирини айтганда, қизил империя даврида алдам-қалдам, баландларвоз гап-сўзлар, шер-орбозиллар кўп эди-ку, лекин меҳнат кишининг қадри йўқ эди. Не-не темирйўлчиларни биламан, етмиш йилдан ортик вақт мобайнида бирлари икки бўлимади, торгина ҳовлида икки-уч, баъзиларида уч-



тўрт оила бир-бирдан хижолат бўлиб, қимтиниб яшаб ўтди. Яхши яшаш, бойиш, иморат қуриш, шахсий машина олиш у ёқда турсин, шулар ҳақида гапирганинг ўзи балога қоларди.
Йиллар мобайнида чинқиқ, мулла бўлди, қўзимиз очилди. Истиклол мен каби оддий кишининг иззат-ҳурматини жойига қўйди. Президентимизнинг ҳаётбахш Фармонлари орзуларимизга канот бўлди. Қуни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра Ватанимизнинг бир гуруҳ асл фарзандлари қатори мен

эди-да. Мени қувонтирган, ҳаяжонлантирган нарса шу бўлдики - кўларимда севинч ёшлари халқангем бахтиёр онларда ўлиган Мансурбек менга юзланбди.
- Ада, сиз билан фахрланаман, қаерда, ким бўлиб ишламай фидоийлик, ташаббускорлик кўрсатиб бизга бахт эшигини очиб берган Мустақилликни янада мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан, деган гапи бўлди. Бунга ишонманам. Фарзандларимиз биздан-да билимли, баркамол ва албатта бахтли-саодатли бўладилар.

УНИТИЛМАС ОНЛАР

Конимех тумани марказида иқтисодиёт касб-хунара коллежи фойдаланишга топширилди. 400 ўринли ўқув масканида ёшлар иқтисодиёт, менежмент, ҳисобчи, тарбиячи каби йўналишлар бўйича сабоқ олади.
Барча ўқув ва машғулот хоналари, фан кабинетлари замонавий асбо-уқудна билан жиҳозланди. Бу Конимех туманидаги учинчи касб-хунара коллежидир.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

27 август куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси ўз ишнини давом эттирди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентини Исрол Каримов иштирок этди. Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Парламент сессиясининг иккинчи куни «Халқ депутатлари Маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунийлик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқида қўриб чиқишдан бошланди. Уни парламентнинг Қонунийлик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов депутатлар эътиборига ҳавола қилди.

Ушбу ҳужжат муҳокамасида Сурхондарё вилояти кўз касаликлилари шифохонасининг бош шифокори Р.Муҳаммадиев, Тошкент шаҳридаги «Фармед» хусусий фирмаси бош директори Д.Тошмухамедова, Олий Мажлисининг Ёшлар ишлари қўмитаси котиби Н.Қамбаров, Республика «Мазнавият ва маърифат» марказининг Хоразм вилояти бўлими раҳбари Г.Ибодуллоева сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Исрол Каримов ушбу қонун лойиҳаси ҳақида ўз фикрларини билдирди. Давлатимиз раҳбари «Халқ депутатлари Маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунийлик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши бўлажак депутатлар ва сенаторларни ҳимоя қилишга қаратилганини таъкидлади. Депутатлар ва сенаторлар нафақат ўз сайловчилари ва худудлари, балки бутун мамлакатнинг вақиллари ҳисобланади. Улар давлат арбоблари сифатида ўз фаолиятда, авваламбор, миллий манфаатларини устун қўйиши лозим. Шу сабабли Президент депутатни, сенаторни чақириб олиш қонунийликка қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши кераклигини қатъий этди.

Олий Мажлис қонун лойиҳасини биринчи ўқида маъқуллади.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди.

Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасида Урганч давлат университетининг ректори А.Саъдуллаев, Кўкон шаҳридаги тиббиёт коллежи директори З.Охунова, Наманган вилояти Нориин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг бўлим бошлиғи Ҳ.Сайдуллаев, Ўзбекистон Бадий академияси раиси Т.Қўзиёв иштирок этди.

Парламент янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонунни ва уни жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафоева Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари номидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Депутатлар ушбу ҳужжатни қабул қилди.

Олий Мажлис қатор халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарорини тасдиқлади.

Депутатлар Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси Котибияти раҳбари С.Умаровнинг фуқароларнинг парламентга мууроаатлари тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Парламент А.Ишметовни Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужжалик суди раиси, В.Бурхонжўев, Р.Махдумова, А.Усмоновни Олий суд судьялари этиб сайлади.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси ниҳоясига етди.

Олимпиада-2004

АРТУР ПОЛВОН - ЧОРАК ФИНАЛДА!

АФИНА. (ЎзА махсус муҳбири Зоҳир ТОШҲУҲАЕВ).
Юнон-рум кураши бўйича Олимпиада чемпионлигини кўлга киритган полвонимиз Александр Дохтуровининг ютуғидан руҳланган спортчиларимиз медаллар учун курашини давом эттирмакда.
Эркин кураш бўйича жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров биринчи жангда афғонистонлик Башир Раҳматийни йирик ҳисобда мағлубиятга учратди. Сидней олимпиадасида кумуш медали соҳибига, жаҳон чемпиони Артур Таймазов

эса кетма-кет икки беллашувда галаба қозонди. Биринчи баҳода у польшалык жаҳон вице чемпиони Марек Гармулевични 11-0 ҳисобда мағлуб этди. Иккинчи баҳода ҳиндистонлик рақибига Сигма Палвиндер Сингхни 11-0 ҳисобда енгиб, чорак финалга йўналма олди.
Тазқондошимиз Ирина Кайдашова-нинг жаҳон чемпионати совриндори мексикалик Ирида Бранко билан баҳоси 7-7 ҳисобда яқунланганига қарамай, ҳақамлар қарорига биноан мексикалик спортчи кейинги бошқича йўналма олди.

Бугунинг одамлари «МУҲАММАДСЕРВИС» АВТОУЛОВЛАРИ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Бундан бир неча йиллар олдин «Наманганавтотехниза» акционерлик жамиятисига қарашли 3-сон автоомбилларга техник хизмат кўрсатиш станциясида иш орқага кетиб, корхона маъмурияти ишловчи ходимларига ўз вақтида иш ҳақларини тўлаётган қолди. Ўз-ўзидан моҳир ишчилар бу ердан кета бошлади.
Ана шундай бир пайтда хусусийлаштириш тўғрисида қабул қилинган ҳуқуқат қарорлари янги имкониятлар эшигини очди. Натихада инқирозга учраган корхона 2002 йил декабр ойидан бошлаб «Муҳаммадсервис» масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. Албатта, янги корхонада дастлаб иш ташкил қилиш бироз мушкул бўлди. Тадбиркор, жамият раҳбари Абдураҳмон Каримовнинг елиб-югуришлари, изланишлари зое кетмади. Соҳани хусусийлаштириш дастлаб Кўкон шаҳридан бошланган эди. Абдураҳмон ака қўқонликлар иш тажрибасини обдон ўрганди. Қимки, хайрли иш учун астойдил ҳаракат қилса, албатта муродига етар экан. Жамият қўн-дан-қўнга қаддини тиклай бошлади.
- Ҳозирги кунда корхонамиз ўз қаддини бирмунча тиклаб олди, - дейди жамият бошқарувчиси Абдураҳмон Каримов. - Айни вақтда 300 та автоуловимиз бор. 560 нафар малакали ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Улар танлов йўли билан ишга қабул қилинган.
Яқинда корхонада бошлангич касабга уюшма ташкилоти ташкил этилди. Эндиликда ишловчилар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий томондан қонун билан ҳимояланадилар. Уларнинг оила аъзолари, фарзандлари ҳам ана шундай имкониятга эга бўлишди. Жамият аъзоларининг ўртача иш ҳақи 50 минг сўм бўлиб, ўз вақтида тўлаб бориляпти. Хар бир ҳайдовчи иш бошлагандан олдин тиббий куриқдан, автоуловои эса техник назоратдан ўтказилади. Мақсад, йўловчиларга сифатли, бехатар, самарали хизмат кўрсатишдир. Айни кунда 12 йўналиш бўйича фаолият олиб бориляпти. «Чорсу-Оромгоҳ», «Чорсу», «Чорсу-Микрорайон», «Чорсу-Фунча» каби йўналишлар шулар жумласидандир.

С.АЪЗАМОВА,
«Ишонч» муҳбири

Меҳнатқашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўйбга чиқаришга давлат этган касабга уюшма ташкилот корхонанинг ишлаб чиқариш қўламани кенгайтириш, даромадини оширишга ҳам ҳисса қўшиш ҳаракатида бўлмоғи керак. Чунки бу масалалар ечимида муваффақиятга эришмай туриб, ходимлар манфаатини рўйбга чиқариб бўлмайди.

Шунингдек, ҳозирги даврда барча турдаги ўзаро муносабатларда шартномавий келишувларга асосланилаётган экан, мақсадга эришиш учун жамоа шартномасини пухта ва аниқ ишлаб чиқиш тақозо этилади. Республикаимизнинг Меҳнат Кодексига мувофиқ биз ўз корхонамизда жамоа шартномаси ҳаққоний тузилишига ва амалда бажарилишига эришялмиш, десак муболага бўлмайди.
Ўзбекистон-Индонезия «Ўзбектелеком-интернешл» қўшма корхонаси Самарқанд филиалида 584 киши ишлайди. Шунинг тенг ярми хотин-қизлардир. Ёшлар ҳам анчагина. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш янги йўлга қўйилганлиги сабабли ходимларнинг манфаатдорли-

Қўшма корхона — хориж ишончи

ликда 6 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Бундан ташқари, ходимларнинг никоҳ тўйлари муносабати билан манфаатдорлигини ошириш, оиласига дахлдор масалалар ечимига қўмақлашиши билан бирга уларнинг хотиржам,

ёшдан уч ёшга болани тарбиялаш таътилидаги аёлларга маълум миқдорда нафақа берилади. Ҳомилдор аёллар туғруқ таътилига ҳомилдорликнинг бешинчи ойидан чиқишлари мумкин. Бундай қўшимча таътилга корхона ҳисобидан ҳақ тўланади.
Меҳнат муҳофазаси, айниқса, янги йўлга қўйилган. Бунга 6 ойда 4,5 миллион сўм сарфланди. Ходимлар махсус кийим, ҳимоя воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланган. Бамаслаҳат иш тўтилгани, аҳоил доимий назоратда бўлганлиги ва ўрганилаётгани боис ўз вақтида муаммоларнинг олди олинанади ва ҳал этилади. Бу эса ишнинг ривожига замин яратаверади.
Ғ.РОЗИҚОВ,
«ЎЗ» қўшма корхонасининг Самарқанд филиали касабга уюшма қўмитаси раиси

КАМАЛАК ЖИЛОСИ

ги йил сайин муттасил ошириб бориляпти. Иқтисодий барқарорлик корхонада жамоа шартномаси орқали ижтимоий имтиёзлар, қўшимча тўловлар белгиланишига ва амалда қўлланилишига имкон берилган. Хусусан, кечки ва тунги смелналарда, байрам ва дам олиш кунларида ишлаганларга қонунда назарда тутилган ташқари қўшимча тўловлар белгиланган. Шу мақсадга биринчи ярим йил-

жами 217 минг сўм, маъракаларга (жаназга) 598 минг сўм, ишламайдиган пенсионерларга 180 минг сўм моддий ёрдам берилди. Бу рўйхатни анча давом эттириш мумкин.
Жамоа шартномасида белгиланганига қўра корхона ходимларининг ишга келиш ва кетиш, телефон алокаси, фарзандларини оромгоҳларда дам олдириш харажатларини тўлиқ ўз ҳисобидан қоплайди. Бундай тадбирлар ходимлар

турмуш ташвишларига қалғимай ишлашига имкон беради.
Корхонамизда хотин-қизларни ижтимоий қўлаб-қуватлашга, айниқса, катта эътибор бериляпти. Уларга бошқаларникига нисбатан устуворроқ имтиёзлар назарда тутилган. Чунки аёллар оила юмушлари, фарзанд тарбияси билан кўпроқ банд бўладилар. Улар учун белгиланган имтиёзларнинг ели муҳимларидан бирини қайд этмоқчиман. Икки

«УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ!»

Темирйўл тарихи давлат музейида истиклолимизнинг 13 йиллигига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий тадбир ана шундай номланди.
Ўзбекистон Фанлар академияси, Халқ таълими вазирилик, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Республика «Ўзбек-музей» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда истиклол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган буюк бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий ўзга-

ришлар, баркамол авлодни тарбиялаб юзга етказишда эришилаётган муваффақиятлар, илм-фан ва таълим тизимидagi ислохотлар самараси хусусида сўз юритилди.
Тадбир иштирокчилари «Амир Темир ҳаётидан лавҳалар», «Шоҳруҳиядаги топилмалар» ҳамда истеъдодли кулол Бахтиёр Усаров ижодида манусуб «Меросимиз давомчилари» мавзусидаги кўргазмаларни катта қизиқиш билан томоша қилдилар.
(ЎзА)

БУХОРОДА ҚОВУН САЙЛИ

Вилоят марказида аънавий қовун сайли бўлиб ўтди. Уч кун давомида шаҳарликлар дастурхонига 300 тоннадан зиёд полиз маҳсулотлари тортиқ этилди.
Бундан саккиз йил муқаддам ўтган илк сайлда қовуннинг 18 нави тақдим этилган эди. Кейинги йилларда бу соҳага эътиборнинг оширилишига, Бухоро тупроғида етиштирилган қадимий навларнинг қайта тикланаётгани боис айни сайлга қовуннинг етмиш нави келтирилди. Вобқент, Ғиждувон, Жондор туманларида етиштирилган қовунлар юқори баҳо олди.
Ширкат хўжалиқлари ўртасида биринчи ўринни Вобқент туманидаги Х.Қамоллов, Ғиждувон туманидаги Х.Олимжон номидаги хўжалиқлар эгаллади. Жондор туманидаги «Жўра Амин» фермер хўжалиги фермерлар орасида биринчиликни олди.

БИР СОАТДА БЕШ ТОННА ШАРБАТ

Куйи Чирчиқ туманининг М.Отажонов номидаги ширкат хўжалигида ишга тушган «FM-JUST»-Ўзбекистон-Туркия-Швейцария қўшма корхонасига Италиядан келтирилган қиймати тўрт миллион еврога тенг замонавий технология ўрнатилди.
Унда ҳар соатда беш тоннага яқин олма шарбатига тайёрланмоқда. Маҳсулотнинг асосий қисми Германия, Россия, Швейцария каби мамлакатларга экспорт қилинади.
- Корхонани ҳомашё билан ўзимиз таъминляялмиш, - дейди ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Абдулла Отажонов. - Тез орада бошқа мева-лардан ҳам шарбат тайёрлаш йўлга қўйилди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР СПАРТАКИДАСИ

Навоий вилоят хотин-қизлари ўртасида истиклолимизнинг 13 йиллик байрамига бағишланган спартакиада яқунланди. Унда спортнинг етти тури бўйича 19 жамоа кураш синнади.
Навоий кон-металлургия комбинатининг «Южанин» жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҚЎМИТА, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда)
**II ДАРАЖАЛИ
«ШОН-ШАРАФ»
ОРДЕНИ БИЛАН**
Бобниёзов Махсетбой - Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири Бердиев Қобул Раимович - Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг бошлиғи

Жанабоев Мэлс Саъдуллаевич - Мудофаа вазирлигининг отряд командири

**«МЕХНАТ ШУХРАТИ»
ОРДЕНИ БИЛАН**

Қорабоев Бахромжон Абдуназарович - Тошкент вилояти Бекобод тумани суд ижрочилари бўлимининг катта суд ижроси

Рябов Сергей Борисович - Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бўлимининг катта эксперти

Ийдошев Комилжон Исмаилович - Тошкент шаҳар божхона бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**«ДЎСТЛИК»
ОРДЕНИ БИЛАН**

Захаров Олег Игоревич - Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тоғ қутқарув хизмати бошлиғи

Комилова Ольга Владимировна - Адлия вазирлигининг катта маслаҳатчиси

Косьяненко Алексей Иванович - Жануби-ғарбий маҳсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари

Мокеев Александр Михайлович - Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти бошлиғининг биринчи ўринбосари

Тўйлебоев Мансур Тулепович - Тошкент вилояти божхона бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Хайруллин Ринат Воитович - Давлат солиқ қўмитасининг бошқарма бошлиғи

**«ЖАСОРАТ»
МЕДАЛИ БИЛАН**

Абдатов Насриддин Фуломович - Тошкент вилояти Зангиота тумани ички ишлар бўлими катта тезкор вакили

Абдуалиев Сапарбой Кошкинбоевич - Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси «Тахтақўпир» божхона постининг катта инспектори

Абдуллаев Пахлавон Сайдуллаевич - Мудофаа вазирлигининг завод старшиниси

Алимов Муротжон Пўлатович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Алимухамедов Ганижон Ойбекович - Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг тезкор вакили

Оралов Азимжон Тошкентович - Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасининг милиционери

Охунов Бахтиёр Ҳошимович - Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи

Боқижонов Қобулжон Қодирович - Мудофаа вазирлигининг батальон командири

Давлатов Шавкат Қодирбергенович - Ички ишлар вазирлиги маҳсус отряди катта тезкор вакили

Давлатов Устам Одамбоевич - Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармасининг профилактика инспектори

Демидкин Сергей Николаевич - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Дўстматов Рустамжон Холмирзаевич - Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани ички ишлар бўлимининг инспектори

Живницкий Виктор Иванович - Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнгин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи

Эгамбердиев Илхом Бахтирович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Исаев Рустамжон Тўхтаоҳунович - Ички ишлар вазирлиги маҳсус отряди катта тезкор вакили

Қаюмов Бахтиёр Собирович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Қўчқоров Улғубек Қўченбекович - Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги алоҳида милиция батальони милиционери

Мавлонов Ботир Фармонкулович - Ички ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари

Макарлов Вячеслав Юрьевич (марҳум) - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мамадиев Шамсуддин Махмудалиевич - Фарғона вилояти божхона бошқармасининг инспектори

Маматов Санжар Ғоziбевич - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Матчонов Матназар Саъдуллаевич - Ички ишлар вазирлигининг катта тезкор вакили

Матқубов Шоназар - Хоразм вилояти ички ишлар бошқармасининг бўлим бошлиғи ўринбосари

Махсудов Зухриддин Зойлобидинович - Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар бош бошқармасининг мутахассиси

Махсудов Улғубек Ғоziржонович - Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасининг бўлим бошлиғи

Мирзакаримов Анвар Абдукаримович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мирзаахмедов Музаф -

Фар Мирзахатович - Ички ишлар вазирлиги отряди гуруҳ командири

Мўминов Абдурахим Абдурадулович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Нормирзаев Бекмирза Гулмирзаевич - Ички ишлар вазирлиги отрядининг катта тезкор вакили

Норматов Иброҳим Муҳаммаевич - Ички ишлар вазирлиги милиция батальони милиционери

Ориф Ҳамитқўжаевич - Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси милиционери

Пирматов Зафар Отамуруттович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ражабов Камолддин Термирович - Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармасининг хайдовчиси

Расулов Мирсодиқ Салимбоевич - Мудофаа вазирлигининг бригада командири

Раҳмонов Юсуфжон Иброҳимович - Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Розиков Муҳиддин Нуриддинович - Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси ёнгин хавфсизлиги бошқармасининг бўлими командири

Рузинов Раваҳнабек Раҳматалиевич - Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти

Рустамов Зокирали Акбарович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Савчук Леонид Викторович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Саидов Толибжон Баходирович - Бухоро вилояти божхона бошқармаси «Олот» божхона постининг бошлиғи

Сирожиiddинов Носир Бурхонович - Ички ишлар вазирлигининг тезкор вакили

Тошқўжаев Аваз Анварқўжаевич - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Тошқўжаев Ҳабибулла Баходирович - Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси милиционери

Уктамов Рустам Ҳусниддинович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Фозилбоев Абдукаюм Абдуқалилович - Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Бирлашган штабининг бўлим бошлиғи

Ҳакимов Иштиёр Бахтиёрвич (марҳум) - Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги алоҳида милиция батальони милиционери

Ҳамроев Илхом Анварович -

Иброҳимович - Фарғона вилоят давлат солиқ бошқармасининг бўлим бошлиғи

Каримов Насриддин Кенжаевич - Сирдарё вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи

Мисиров Шукрилло Турсунович - «Ватанпарвар» ташкилоти Андижон авиация-спорт клубининг командири

Муҳамедов Алишер - Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи

Муҳиддинов Равшан Абдулатифович - Жиззах вилоят прокурори

Раджабова Санобар Раҳмоновна - Қашқадарё вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори

Раҳмонов Султонбой - Хоразм вилоят ҳўжалик судининг судьяси

Ризабоев Обид Норқўзаевич - Давлат божхона қўмитаси миллий кинология марказининг кинологи

Сатторов Рустамжон Обиджонович - Мудофаа вазирлигининг дивизион секцияси командири

Сиддиқов Нафис Сиддиқович - Ички ишлар вазирлигининг тезкор вакили

Тожиқулов Авазбек Маматброҳимович - Мудофаа вазирлигининг завод командири

Турсунов Божжон Пиримович - Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари маҳсус марказининг бўлим бошлиғи

Усанов Шухрат Абдурашитович - Андижон вилоят адилия бошқармасининг бош маслаҳатчиси

Усмонова Холда Мухсимовна - Давлат божхона қўмитасининг бўлим бошлиғи

Ҳакимова Холда Муратовна - Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 1-давлат нотариал идорасининг катта нотариуси

Ҳасанов Зокир Бўриевич - Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг катта авиация механиги

Худойбердиев Зокир Сирлибоевич - Тошкент шаҳар Чилонзор туман прокуратурасининг катта терговчиси

Худойбердиева Зулайхо - Фўкарлик ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг судьяси

Шодиқулов Саттор Тўрақулович - Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабининг катта инструктори

И.КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкент шаҳри, 2004 йил 24 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ АМУДАРЁ УЗРА БУНЁД ЭТИЛГАН ҚЎШМА АВТОМОБИЛЬ ВА ТЕМИР ЙЎЛ КЎПРИГИ ҚУРИЛИШИДА ФАОЛ ҚАТНАШГАН ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда)
Максудқўжаев Икром Ёдгорович - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси техника ва технология назорати бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Маликов Темур Қодирович - «Тўйтепа металл қурилмалари» очик акциядорлик жамиятининг электрпайвандчиси

Маханов Алғуват - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси Урганч темир йўл масофаси бошлиғи

Мириёсов Мирсодиқ Султонович - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси «Капитал қурилиш ва техника» қайта қуруланиш дирекцияси» унитар корхонаси бошлиғи

**«ДЎСТЛИК»
ОРДЕНИ БИЛАН**

Жумабоев Бозорбой - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси Урганч сигналлаштириш ва алоқа дистанциясининг катта электромеханиги

Картабаев Ташмаганбет - «Кўприққурилиш» трести 14-кўприқ қуриш отрядининг электрпайвандчиси

Кулешов Игорь Геннадиевич - «Кўприққурилиш» трести 13-кўприқ қуриш отрядининг газэлектрпайвандчиси

Курбонов Азимбой Янгибоевич - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг йўл ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи

Льсенко Николай Васильевич - «Кўприққурилиш» трести 14-кўприқ қуриш отрядининг автокран машинисти

Мухамедов Фағружон

Каримович - «Кўприққурилиш» трестининг бошқарувчиси

Мухеев Мурдухай Данилович - «Узпулатқурилма-лойиҳа» ёпиқ акциядорлик жамияти директори

Рўзиёв Ҳаким Тангриевич - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг молия ва бухгалтерия ҳисоботи бошқармаси бошлиғи

Фахриев Каюм Ковиевич - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси 203-тажриба йўл машина станциясининг кран машинисти

**«ШУХРАТ»
МЕДАЛИ БИЛАН**

Бойко Александр Анатольевич - «Кўприққурилиш» трести 67-кўприқ қуриш отрядининг хайдовчиси

Гарепова Галина Юрьевна - «Кўприққурилиш» трести 13-кўприқ қуриш отрядининг етакчи муҳандиси

Давлатов Геннадий Миндагалевич - «Кўприққурилиш» трести 13-кўприқ қуриш отрядининг кран машинисти

Курбоннўзов Ережпобой Реймович - «Кўприққурилиш» трести 14-кўприқ қуриш отрядининг хайдовчиси

Машарипов Иброҳим Жуманиёзович - «Хоразм-мавтойўл» йўллардан фойдаланиш бошқармасига қарашли автожамланма хайдовчиси

Нургалиев Тохир Каюмович - «Тўйтепаметаллқурилмалари» очик акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бўйича бошқарув раиси ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкент шаҳри, 2004 йил 27 август

Собиров Бахтиёр Матқубович - «Темир-йўлгаминот» давлат ишлаб чиқариш корхонасининг Урганч бекатидаги ишлаб чиқариш корхонаси директори

Саидқўжаев Абдумалик Паттоҳович - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси Уганч корхонасининг унитар корхонасининг асбобсозлик-механика цехи тоқари

Сапов Норбой - Тўртқўл тумани йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси прораби

Семенов Геннадий Никифорович - «Бош-транслайиҳа» транспорт бўйича бош лойиҳа қидиринг институти очик акциядорлик жамиятининг лойиҳалар бўйича бош муҳандиси

Халиллаев Бозорбой Ҳабибуллаевич - «Кўприққурилиш» трести 14-кўприқ қуриш отрядининг пўлат ва темир-бетон конструкциялари бўйича монтажчи

Шукоров Равшан Султонович - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси 214-машинлашган темир йўл станциясининг кран машинисти

Юсупова Людмила Михайловна - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси «Капитал қурилиш ва техника» қайта қуруланиш дирекцияси» унитар корхонасининг режалаштириш бўлими бошлиғи

И.КАРИМОВ

Мустақиллик иншоотлари



2004 йил — Мехр ва мурувват йили

ТАШНА ЙЎЛОВЧИГА бир пиёла сув

Инсонпарварлик, саховатпешалик, меҳр-мурувват халқимизнинг азалий фазилатларидир. Зеро, бизда азал-азалдан ташна йўловчига бир пиёла сув тутиш, етимнинг бошини оилаш одад бўлган, бурч саналган. Ёлғиз қарияларнинг, ёрдамчиси йўқ оила-ларнинг уйлариин эл-улус ҳашар қилиб таъмирлаб берган, бошқа юмушларига қўмақлашган. Ана шу ажойиб аъёна бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда. Ҳатто бу ижтимоий ҳимоя деган ном билан давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Амалга оширилган ҳар бир тадбир замирида ноҳорларни қўллаб-қувватлаш, турмушини яхшилаш, ташвишини енгилаштириш, меҳр улашишдек эзу мақсад мўжассам.

Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳр ва мурувват йили дастури тўғрисида»ги қарорида муҳтожларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кенг қўламли вазифалар белгиланди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш бўйича Самарқанд вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бош бошқармаси томонидан анчангина диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Кам таъминланган оилалар, кексалар ва ногиронларга моддий ёрдам уюштириляпти. Умумхалқ байрамлари муносабати билан 119 мингга яқин муҳтожларга 439,4 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди. Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ва ногирон болалар учун байрамларда музейлар, кинотеатрлар, истироҳат боғларининг эшиклари очиб қўйилди. Кексалар учун савёталар, зияратлар ташкил қилинди. Барча туманларда, корхоналарда, маҳалларда хайрия тadbирлари ўтказилди. Йилнинг ўтган даврида ижтимоий таъминот бўлими орқали 2563 нафар пенсионер ва ногирон сийдатгоҳ йўланмалари билан таъминланди. Ногиронлик ара-вачалари, эшитиш мосламалари, қўлқит-таёқ ва бошқа воситалар учун 26 миллион

сўм сарфланди. Бунинг катта қисмини ҳоимлар ўз зиммаларига олишди. Вилоят ногиронлар реабилитация марказида ногирон болалар учун 10 ўринли маҳсус жой ажратилди. Мазкур масканда ногиронларнинг спорт билан шугулланиши учун ҳам шароит яратилди. Айтгандек, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги эзу ташаббусга қўл урди. Ёлғиз пенсионерларнинг ойлик йўл қира чипталари нархининг 50 фоизи чегирилди.

Муҳтожлар халқро хайрия ташкилотларининг ёрдамидан ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Олти ойда 46 мингдан зиёд муҳтожларга салкам 196 миллион сўмлик озиқ-овқат, дори-дармон, кийим-кечак етказиб берилди. Узгалар парваришига муҳтож бўлган 437 нафар кекса ва ногиронларга доимий хизмат кўрсатилаяпти. Бу ишга ҳамширалар, жамоат хизмати доирасида вақтинчалик ишсизлар жалб этилган. 28 нафар ногирон ўқитилиб, ҳунар эгаси бўлишди ва доимий иш билан таъминланди. Ногиронларнинг кўнглини кўтариш, руҳий тетиклаштириш, уларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш гоят муҳимдир. Негаки, шу тариқа уларнинг орау-ниятлари рўёбга чиқади. Уларни жамиятга керак эканлигини англайди. Зеро, улар орасида ҳам иктидорлилари бор. Вилоят бошқармаси томонидан ижодкор ногирон болалар уртасида «Мафтунок ранглар жиҳоси» кўрик-танлови ўтказилди. Унда 60 дан зиёд иштирокчи катнашди. Танловнинг 4 нафар ғолиби эндиликда халқро танловда иштирок этади. Келгуси йилдан бошлаб ҳар йили ўн нафар ногирон бола компьютер технологиясига асосланган масофада ўқитишга жалб этилади. Ҳозир бу борада тажриба-синов тариқасида ишлар бошлаб юборилган.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири

Кейинги йилларда нашриётларимиз томонидан кўплаб плакатларни босиб чиқарилмоқда. «Маънавият» нашриёти чоп этаётган плакатлар эса мавзуларининг долзарб масалаларга бағишланганлиги билан эътиборга сазовордир.

ЯНГИ АВЛОД ПЛАКАТЛАРИ

Нашриёт «Янги авлод плакати» туркумида тайёрлаган тўплами ҳам тезда оммалашди. Беш қисмдан иборат бўлган бу ижод намуналарининг ҳар бирига ўзига хос расмлар ишланди. «Ақл — табиятнинг буюк мўъжизаси», «Соғлом авлод — буюк давлат пойдевори» деб номланган туркум плакатлар ҳам савдога чиқарилди.

ФИЛАДЕЛЬФИЯ ТААССУРОТЛАРИ


Мирзо Улғубек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги олий педагогика институтининг халқро алоқалари қўтилган натижалари бермоқда. Олий педагогика институти саъй-ҳаракати билан АҚШда уюштирилган малака ошириш курси машғулотларига республикамиздан бир неча педагогга йўланма берилди. Улар Нью-Йорк, Филадельфия каби университетларда малака оширдилар. Бир йиллик ўқув ва малака сабоқлари жуда мазмунли бўлди. Бунинг сертификатлар топшириш чоғида билдирилган фикрлар ҳам тасдиқлади. Американин Вашингтон университетиди бир йиллик малака ошириш якуналарига бағишлаб ўтказилган ҳисобот конференциясида олий педагогика институти томонидан малака ошириш йўлида амалга ошираётган маърифий тadbирлар хақида ҳам илиқ гаплар айтилди.

А.АЛИЕВ



ПАРКЕНТ КОЛЛЕЖИ

Мустақиллигимизнинг ўн уч йиллик тўйи арафасида паркентликларга яна бир муҳташам, замонавий ўқув даргоҳи туҳфа этилди. Барча қулайликларга эга бўлган ушбу Паркент агросаноат касб-ҳунар коллежини барпо этишда Паркент сув қурилиши трести бунёдкорлари жонбозлик кўрсатдилар. Туманиннг «Қорақалпоқ» қишлоғида жойлашган янги коллеж 450 ўқувчани ўз бағрига олади. Суратларда: коллеж очилишидан лавҳалар. Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎЗА) олган суратлар



МУНОСИБ ТЎЁНА


Истиқлол берган имкон

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган курувчи Ахтам Улугов бшч бўлган Галаосиёдаги 47-кўча механизацияланган жамланма бунёдкорлари мустақиллигимизнинг 13 йиллиги байрамини муносиб меҳнат совгалари билан кутиб олишмоқда. Сўнгги 2-3 йилнинг ўзида бинкорлар 2 та пахта тозалаш заводи, 3 та коллеж, ўнлаб мактаб ва турар жойларни бунёд этишда фаол иштирок этдилар. Бундан ташқари, қатор маъмурий биноларнинг қад ростлашида ҳам уларнинг хизматлари катта бўлди. Байрам арафасида Галаосиёда педагогика коллежи курилишини ниҳоясига етказган курувчилар жамоаси томларни қоплашга қўл келадиган черепицалар тайёрлаш технологиясини ўзлаштириб олдилар. Эътиборли жиҳати шундаки, хиссадорлик жамияти қошидаги цехда тайёрланаётган черепица ҳам арзон, ҳам анчагина афзалликларга эга. Маълумки, черепица эса асосан металлдан тай-

ёрланади. Жамланма эса сопол черепицалар ишлаб чиқармоқда. Ушбу тайёр маҳсулот меҳнатдан анча енгил, ани пайтда фойдаланиш муддати икки баробар кўп. Ҳа, байрам арафасида бу ерда янги ихчам ва мўъжазгина цех барпо этилиб, бир маромда ишла бошлади. Шу тарика курувчилар жамоасида 20 нафар ёшлар келиб қўшилди. Янги ишчи кучларига эҳтиёж сезаётган цех учун бу ани муддао бўлди.

– Дастлабки босқичда йилга 10-15 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқариши мўлжаллаяпмиз, – дейди жамланма раҳбари А.Улугов. – Кейинчалик унинг салмоғини 1,5-2 ҳиссага ошириш ниятимиз бор. Бухоро замини катта гил захираларига бойлиги эса хомашё борасида ҳеч қандай муаммо йўқлигини кўрсатиб турибди.

Усон МАНВЎЗ, «Ишонч» мухбири



Фаргона ёғочни қайта ишлаш масъулияти чекланган жамияти жамоаси сифатли, бежирим маҳсулотлари билан харидорлар эътиборини қозонган. Ани чоғда мазкур жамият қошида «Ёғочсоз» кичик кор-

хонаси ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига катта эътибор берилаяпти.

М.КОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат

Мулкка эгаллик ҳисси

ҚУДРАТЛИ МАШИНАЛАР ёнида қишлоқ ёшлари

Кумкўргондаги «Сурхон комбинати» очик турдаги хиссадорлик жамияти вилоятнинг йиллик қорхоналаридан бири ҳисобланади. Ани чоғда комбинатда ишлаб чиқарилаётган сифатли темир-бетон ва бошқа маҳсулотларга бўлган эҳтиёж кун сайин ошиб бормоқда.

Бу ерда ходимларнинг унумли ишлаб, яхши дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ижтимоий ҳимояга қаратилган алоҳида эътибор ишлаб чиқариш самардорлигини оширишда асосий омил бўлмоқда. Қорхонада асосан темир-бетон маҳсулотлари ва юқори босимга чидамли сув қувурлари ишлаб чиқарилади. Маҳсулот ҳамми ўтган йилда 1,5 миллиард сўмни ташкил қилиб, четга ҳам экспорт қилинди. Бундан ташқари, хиссадорлик жамияти тендерда голиб чиқиб, Тوشгузар-Бойсун-Кумкўргон темирйўли қурилишини темир-бетон билан таъминлашнинг ўз зиммасига олди. Курувчиларга 1 миллиард 144 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Корхонада 248 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатади.

Уларнинг ишини рағбатлантириш, орзу-умидини рўёбга чиқариш учун касабга уюшма кўмитаси доимий ҳаракатда. Ишчилар ўртасида ташкил қилинган кизикқарли баҳслар, танловлар, спорт мусобақалари ҳам касабкўмининг яхши ишлаганлигини далил қилиб беради. Байрамларда ишчи ходимларга совғасалом улашиш аънаъна тусини олган. Маълумотларга кўра, 5 ой давомида ходимларга 600 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. Узоқдан қатнаб ишлайдиган ходимларга автобуслар ажратилган. Зарарли шариоатда ишлаганлар сўт ва сўт маҳсулотлари ҳамда махсус кийимкечак билан таъминланган.

Корхонада иқтисодий кўрсаткичларни юқори даражада бўлиши кўп жиҳатдан етук мутахассислар, ўз касбининг усталирига боғлиқ. Н.Шеҳабов ва У.Хусановлар

шулар жумласидандир. Улар ўз олдига турган ҳар қандай вазифани аъло даражада бажаришади.

Комбинатда ишчилар учун бепул иссиқ овқат ташкил қилинган. Тиббиёт бўлими, кутубхона ишлаб турибди. «Маънавият ва маърифат» хонасида Президентимиз асарлари, миллий маънавиятимизнинг зарбидост вакилларининг сиймоларини акс эттирувчи кўргазмалар, газета ва журналлар тўплами мавжуд бўлиб, ишчилар бўш вақтларида бу ерда ҳордик чиқарилади. Ажойиб тарзда қурилган спорт зали ва майдонда ишчилар ҳамisha гавжум.

– Хиссадорлик жамиятимизда нимаки қулайликлар бўлса, буларнинг барчаси ишчилар учун қилинган. Ҳар бир ходимнинг тўй ва маъракалари доим жамоа билан биргаликда ўтказилади ва ўз навбатида моддий ёрдам кўрсатилади, – дейди бошқарув раиси К.Турсунов.

Алишер РАҲМОНОВ, «Ишонч» мухбири

Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаев кўп саҳийликлар қилиб, элнинг тилига тўшган тadbиркорлардан бири ҳисобланади.

АҲМАД ПОЛВОН МУРУВВАТИ

Аҳмад фермер яна одамлар тилида овоза бўлиб юрибди. Ишбилармон бу одам Амир Темур номи ширкат хўжалиги ҳудудида байрам арафасида икки қаватли турар жой биносини қуриб ботказди. Кам таъминланган, турар-жойга муҳтож саккизта оила мустақиллик байрамидан эътиборан шу ерда яшай бошлади.

Хуллас, доврўкли фермер яна бир қарра номига ва ишига, феълга яраша иштутди – саккиз оилани уй билан таъминлади. Бу – валлоат ва элпарвар одамнинг иши. Бошқача шарҳлаш эса бу ўринда ортқчалик қилади.

Тadbир



«Янгийўл дон маҳсулотлари» очик акциядорлик жамиятида мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллик байрами тантаналари бўлиб ўтди. Шу муносабат билан қорхонада тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал Демократик партияси Янгийўл шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда «Озод юртининг эртаси обод» деб номланган байрам тadbирини ташкил этилди. Тadbир давомида қорхонанинг илгор ишчилари ва меҳнат фахрийларига, шунингдек кам таъминланган оилаларга байрам совгалари улашилди.

Кези келганда таъкидлаш ўринлики, ушбу қорхонада кейинги вақтда ишлаб чиқаришда кўплаб ютуқларга эришилмоқда. Масалан, амалдаги йилнинг ўтган ойлари давомида ишлаб чиқариш қуввати бир неча баробарга оширилди. Натихада янги маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Хусусан, яқинда ишга туширилган

макарон ҳамда шолени қайта ишлаш цехларида сифатли маҳсулотлар тайёрланиб, белгиланган вақтда савдо шохобчалари

НИЯТ ХОЛИС БЎЛСА



рига етказиб берилаяпти. Бундан ташқари, қорхона

тегирмонида ҳам техникавий тadbирлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун россиялик ҳамкорлар билан Швейцариянинг «Бюлер» компаниясининг 60 миллион сўмлик инвестицияси жалб қилиниб, иккита замонавий «ЗРШ-6М» русумли ускуна олиб келинди. Агар ушбу дастгоҳлар ишга туширилса, қорхонада ҳар ойда 2 минг 200 тонна сифатли ун ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади. Хозирги вақтда 180 нафар

кишини бирлаштирган жамоа ойллик ишлаб чиқариш топширқларини ортиғи билан адо этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, янги ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш, қўшимча иш ўринлари барпо этиш, жамоа аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш кўламининг кенгайтирилиши муваффақиятлар омили бўлмоқда. Акмал АЛЛАМУРОДОВ, «Ишонч» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони эълон қилингандан кейин қишлоқ хўжалиги тизимида муҳим ўзгаришлар юз берди. Бошқача қилиб айтганда, мамлакатимизда хусусийлаштириш жараёни тезлашиб кетди. Бунга мисол тариқасида Пскеант туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» ширкат хўжалигини келтириш мумкин.

Ширкат тугатилиб, экин майдонлари фермерлар ихтиёрига топширилди. Шу ўринда фермерга техника хизмати, ўғит, ёқилги сув таъминоти энди қандай бўлади? Ширкат хўжалигида доимий иш ўрнига эга бўлган 362 нафар меҳнатқашни иш билан таъминлаш жараёни қандай ҳал этилади, деган саволлар турғилиши табиий.

– Яхши томонга ўзгаришлар катта, – дейди «Жавоҳир-Ҳайдар» фермер хўжалиги раҳбари Абдуқарим Эшонқулов. – 1999 йили фермерликни бошлаган эдик. Меҳнатдан қочмадик. Йилдан-йилга ҳосилдорлик, манфаатдорлик ортиб бораяпти. Ўтган йил якунларида 25 ишловчининг ҳар бирига ўртача 20 минг сўмдан ойллик маош, салкам 1 тоннадан бугдой тўғри келди. Ширкат хўжалиги тугатилиши муносабати билан ўтказилган тендер танловидан кейин ер майдонимиз кўпайтирилди, 66 гектаргача етказилди. Бу йил ҳам галладан юқори ҳосил олдик, гўзаниннг авжи яхши. Зарур миқдорда ёқилги ажратиб бераётган нефт маҳсулотлари шомбосчаси қишлоғимизнинг ўзида ишлаб, фермерлар хизматига бўлапти. Ўғит билан таъминлаш тармоғи ҳам шу ерда ўз омборхонасига эга. «Пахтабанк» шохбосчаси очилди. Бир сўз билан айтганда, шир-

Бир Фармон шарофати

ўтказдик. Бундан мақсад – ширкат хўжалиги далаларида аввалдан меҳнат қилиб келган кишиларнинг иш жойини сақлаб қолиш эди. Бундан ташқари, ишловчиларнинг ойллик маошларини, қўшимча даромадларини ўз вақтида олишлари муҳим масала ҳисобланади.

ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИДАГИ КАТТА ЎЗГАРИШ

Чунки, фуқаролар йигини идорасига шикоят ва ариза билан келаётган кишиларнинг баъзилари иқтисодий муаммолар билан мурожаат қилдилар. Қишлоқда ишсизлик масаласини ҳал этиш мақсадида фермерларга ўз тасарруфида қайта ишловчи кичик қорхоналарни ташкил этиш ҳақида маслаҳатлар бердик. Зарур бўлганда, банкдан кредитлар олиш масаласига амалий ёрдам кўрсатамиз.

Фуқаролар йигини меҳнат нозир Халима Турсунбоевнинг таъкидлашича, Олмаиқ шохрига яқин бўлганлиги учун ҳам ишга яроқли кишиларнинг кўпчилиги заводларда меҳнат қилдилар. Шунга қарамайдан, хозирги кунда қишлоқда 156 нафар киши ишсиз сифатида рўйхатга олинган. Улардан 5 нафари нафақа билан таъминланган.

Маълумки, асосий ишлов берувчи куч техникадир. Туманда бу масала ҳам ижобий ҳал этилган. Марказий МТП зарур миқдордаги техникаларга эга бўлса ҳам, жойларда фермерларга техник хизмат кўрсатадиган гуруҳлар иш

ди. Хозирги кунда улар пахтачилик ва галлачилик тармоқлари учун ўз хизматларини дадил тақлиф этмоқдалар. Дала ишларини ўз вақтида, сифатли қилиб бажариб бермоқдалар. Қориз қишлоғида ҳам Илхом Хайтбоев раҳбарлик қилаётган техника парки ишлаб турибди.

Бундан ташқари, ҳар бир фермер имкон даражасида ўз техникасига эга бўлиш ҳаракатида бўлаёпти. Масалан, Абдуқарим Эшонқуловнинг ҳайдов, чопиқ трактори, комбайн ва экиш техникалари бор. Хуснидин Мўминов, Малик Қўзиев каби фермерлар «Пахтабанк»нинг 26 миллион 200 минг сўм кредити хисобига 2 та трактор сотиб олди.

Хуллас, ширкатлар негизда ташкил этиладиган фермер хўжалиқлари ҳам тез орада истиқболли тармоқ эканлигини намойиш эта бошлади.

Темур ХАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири

ШУКУҲ

Энг улуг, энг азиз байраминиз – истиқлолнинг 13 йиллик байрами Фаргона вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида тантана билан нишонланмоқда.

Марғилон шаҳрида ҳам байрам тadbирлари кўтаринки руҳда ўтди. Эрта тонданок маданият ва истироҳат боғининг ёнги амфитеатрида истиқлол тароналари янгради. «Чодир-жамол» халқ фольклор этнографик дастаси, мумтоз кўшқилар ижрочилари ва хаваскор хонандаларнинг концерти намойиш этилди. Спортчи ёшлар, талабаларнинг чиқишлари, болаларнинг театрлаштирилган томошалари тантанана ўзгача руҳ бағишлади.

Шодиёна меҳр-оқибат, муруват тadbирларида улашиб кетди. Шу кунги шаҳардаги 54 маҳалланинг фаоллари юздан зиёд эҳтиёжманд оилаларга байрам совгалари улашди.

«СИНО» ОЧИК ТУРДАГИ ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЯНА ҚАДДИНИ ТИҚЛАЙ БОШЛАДИ. ЧЕТ ЭЛДАН КЕЛТИРИЛГАН ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ЁРДАМИДА РАҚОБАТБОРДОШ ВА ХАРИДОРИГ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.

«СИНО» – ЎЗИМИЗНИНГ МАҲСУЛОТ

– Хозир жамиятимизда музлаттич, совуттич, кондиционер каби ўндан ортқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришда, – дейди хиссадорлик жамияти раиси А.Абдуқасимов. – Ҳадемай кир ювиш машиналари ишлаб чиқара бошладик. Зарур қисмларни асосан Италиянинг «Embraco» фирмасидан олиб келаямиз. Совуттичларимиз хорижидан қолтирмайди, нархи улардан анча арзон ва кам энергия сарфлайди. Айниқса, «Sino BCDS-250» русумли икки камерали совуттичларга талаб катта.

Бу йил қорхонада 50 минг дон совуттич ишлаб чиқарилади.

(ЎЗА)

АНЪАНАГА КЎРА

Кунги кеча пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 64-ўрта мактабда шаҳар халқ таълими бош бошқармаси методика маркази томонидан она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларининг аънаваний Август кенгаши ўтказилди. Унда илгор ва тажрибали маорифчиларнинг фанини ўқитиш жараёнидаги долзарб масалаларга бўйича шўбаларга бўлинган ҳолда муҳокама-мунозаралар бўлиб ўтди.

Айниқса, «Она тили ва адабиёт дарсларида ўқувчиларни мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатиш», «Ўқувчиларни бадиий адабиёт ўқишга кизиқтириш йўллари», «Янгиланган адабиёт дарслиқлари билан ишлаш натижалари» каби мавзуларга бағишланган фикрлашуларда бугунги кунда ёш авлод маънавиятини камол топтиришда муҳим бўлган етатқи омиллар тилга олинди. Бунинг учун янги ўқув йилида дарслар ўқилиши жараёнига илгор ўзгаришлар киритилиши кераклиги таъкидланиб, қимматли тақлифлар ўртага ташланди.

–Мазкур аънаваний кенгаш биз, фан муаллимлари бошини бир жойга тўплаб, тажриба алмаштириш ва қийнаётган муаммолар юзасидан биргаликда фикр юритиш имконини берди. Бу ерда ўрганганларимизни иш фаолиятимизда кенг қўллашга ҳаракат қиламиз, – деди Сирғали туманидаги 6-мактаб ўқитувчиси Гулнора Йўлчиева.

Тadbир сўнгида таълим бернида юқори натижага эришяётган моҳир ўқитувчилар муносиб тақдирланди.

Ш.ТўЛКИНОВ

Сув – ҳаёт манбаи, табиатнинг бетакрор бойлиги, бахри-муҳитни яшатиб турувчи бебаҳо неъмат. Шу боис ота-боболаримиз уни бениҳоя эъзозлаб, тежаб-тергаб фойдаланишган.

Агар дунёдаги об-ҳаёт миқдорининг атиги 2,5 фоизини тоза ичимлик суви ташкил этишини ҳисобга олсак, унинг ҳар томчисини асраб-авайлаш нақадар зарурлигини қалбдан тушуниб етатишимиз. Бундан 35-40 йил муқаддам Қашқадарёда сув бениҳоя қадрли эди. Чунки 1966 йилда вилоят бўйича секундида 50 кубометр сув тақсимланган. Сув тақчиллиги туфайли қанчадан-қанча боғ-роғлар, экинзорларга зиён етган.

– Қашқа воҳасининг кекса миробларидан бири, тажрибали ирригатор Муҳаммад Рўзиевнинг ҳикоя қилишича, кейинги йилларда сув таъминотини яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Воҳода 60-йилларда 500 миллион кубометр сизимга эга бўлган «Чимкўрган», 260 миллион кубометр сувни сизимдаридаган «Пачкамар» сув омборлари қурилиб фойдаланишга топширилди.

1973 йилда 1,6 миллиард кубометр сизимли Талимаржон сувийи денгизи бунёд этилиб, Қарши чўлини ўзлаштиришга киришилди. Даштада янги туманлар вужудга келди.

1976-1984 йилларда қурилиб, ишга туширилган «Хисор» сув омбори Китоб, Шаҳрисабз, Яқкабоғ, Қамаш, Чирокчи туманларини об-ҳаёт билан таъминлай бошлади. 1988 йилга келиб вилоятда сув таъминоти секундида 550 кубометрга кўпайди. Бундан ташқари, сув омборлари ва каналларни кенгайтириш, сув тоқшинларининг олдини олиш бўйича кўп ишлар қилин-

ди. Масалан, 1987 йил баҳорда кучли ёғири туфайли Ғузор дарёси, Яқкабоғдаги Оқсув дарёси ва Қашқадарёда катта миқдордаги сел оқимлари қуйилиб, Муборак тумани учун жиддий ҳаф тузмирган эди. Ана шунда сувчи ва курувчилар ҳақиқий фидокорлик кўрсатиб, тоқшин сувларини Денгизкўл ва Сенанкўлга

сувдан фойдаланишнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш асосида об-ҳаёт ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш тизимида ягона сисэатни ўтказиш, истеъмолчиларга сувни узлуқсиз ва вақтида етказиш, ирригация тармоқлари ва иншоотларининг техник ишончилигини таъминлаш, ҳудудда мавжуд ресурсларни оқилона бошқариш ва фойдаланишнинг аниқ ҳисоб-китобини юритиш вазифаси юклатилган, – дейди биз билан сўхбатда Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари хавза бошқармасининг бошлиғи Ботир Раҳимов. – Ирригация ва мелiorация соҳасида вилоятда катта тажриба тўпланган. Давлатлараро сув хўжалиги мувофиқлаштирувчи

таъминлаш, ҳудудда мавжуд ресурсларни оқилона бошқариш ва фойдаланишнинг аниқ ҳисоб-китобини юритиш вазифаси юклатилган, – дейди биз билан сўхбатда Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари хавза бошқармасининг бошлиғи Ботир Раҳимов. – Ирригация ва мелiorация соҳасида вилоятда катта тажриба тўпланган. Давлатлараро сув хўжалиги мувофиқлаштирувчи

комиссиянинг йиллик анжумани Қашқадарёда ўтказилиб, унда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон республикалари сув хўжалиги бўйича раҳбарлари ва етакчи мутахассислар, Орлоли кўтқариш халқаро жамғармаси, АҚШнинг ЮСАИД агентлиги ва бошқа халқаро ташкилот ҳамда

жамғармаларнинг экспертлари иштирок этиб, тажрибалар умумлаштирилди. Вилоятнинг умумий ер майдони 2870 минг гектарни ташкил этади. Суғориладиган майдонлар 505,2 минг гектардан иборат. Ана шу майдонларни об-ҳаёт билан таъминлаш учун 13 та сув омбори, дарё ва сув ости захираларидан фойдаланилади. Фаллакорлар 600 минг тоннадан ортқ чет етишти-

риб, катта муваффақиятни қўлга киритдилар. Пахта далаларида гўза парварлиши агротехника талаблари асосида олиб борилиб, мўл ҳосилга пухта замин яратилмоқда.

Шунга қарамайдан сувдан фойдаланишда исрофгарчилик ҳам йўл қўйилапти. Масалан, Шаҳри-сабз туманидаги Кутчи қишлоғида яшовчи айрим фуқаролар Танхоз дарёси қирғоғидан ноқонуний ер ўзлаштириб, шол экишган ва Хўжақобурга каналдан руҳсатсиз сув олинган. «Оқсув» фуқаролар йигинида яшовчи бир гуруҳ кишилар қонунсиз ер ўзлаштириб, шолчилик билан шуғулланишган.

Долзарб мавзу

Яқкабоғ туманидаги «Шарқ юлдузи» ширкат хўжалигининг ижарачиси Ф.Бердиев экин майдонини суғориш учун олинган сувни зовурга оқизиб қўйган. Китоб туманидаги «Шоҳимардон», Яқкабоғдаги «Мучун» фермер хўжалиқлари, Шаҳрисабз туманидаги Ж.Элбоев номи хўжалик ижарачи-

лари Қ.Алламурадov, Б.Ҳайдаровлар сувни зовурга оқизгани учун жарима тўлашди.

Сувдан оқилона фойдаланмаслик, тежамкорликка эътиборсизлик туфайли ҳар йили 40 фоизга яқин тоза ичимлик суви беҳуда йўқолилар экан. Қувурлар жумракларидан гуғурт донасидек қалинликда сув мунотазам оқиб тура-са бир кеча-кундузда 480 литрғача сув бе-фойда оқиб кетади.


Вилоятни сув билан таъминлаш ва тақсимлаш иншоотларининг асосий қисми эскирган ва уларни янгилаш вақти келиб етди. Шунинг учун ҳукуматимиз қарори билан Амурдарёдан сув чиқарадиган Қарши магистрал канали насос станциясини қайта таъмирлаш ва янги техника билан жиҳозлаш чора-тadbирларни кўри-ляпти.

Иzzат ХИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири

**ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК
САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА
УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ**



*Она Ўзбекистонимиз
гуллаб-яшнайверсин,
Омад ва муваффақият
ҳамиша ёр бўлсин!*



**ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА
УЮШМА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚЎМИТАСИ**

**ЎЗИНГДУРСАН, ЭРК
ҚУЁШИ – ИСТИҚЛОЛ!**

*Шу унутилмас кунларда
барча оилаларга тинчлик-
хотиржамлик, бахту
саодат, қут-барака
тилаймиз!*



*Қадрли юртдошлар ва
республикамизнинг азиз меҳмонлари!*

**«ШЎРТАНГАЗКИМЁ» МАЖМУАСИ
КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ**

*Сизларни энг улғуф, энг азиз
байрам билан самимий
муборакбод этади*

2004

Septabr

1991 2004

**ЎЗБЕКИСТОН
МУСТАҚИЛЛИГИГА 13 ЙИЛ!**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ**



Хозирги кунларда жойлардаги касабачи уюшма гуруҳларидан бошлаб, бошлангич ташиллот ҳамда кўмиталарда ҳисобот-сайлов йиғилишлари қизгин давом этмоқда. Эътиборлиси, сайловлар жамоа шартномалари ижросининг ярим йиллик якунлари билан қўшилиб кетмоқда.

Касабақўм раиси Абдулхай ака Иброҳимовнинг хонаси гавжум эди. «Дардоқ» касабачилари етакчиси Авазбек Ғанижонов хозиргина унинг хонасини тарқатганини айтишди. Авазбек, бўлажак йиғинни қарорлаштириш, ҳисобот маърузасини тайёрлаш ҳақида жўяли маслаҳат олгани ташриф буюрган экан. «Намуна» ширкат ҳўжалиги касабачи раиси Мاستураҳон Иброҳимованинг эса раис ўринбосари Собиржон Содиков билан биргаликда ҳўжаликда яқинда бўлиб ўтадиган йиғинда танқидий мулоҳазаларни расмийлаштириш ва ижроси ҳақида кенгашаётганлигининг гувоҳи бўлди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш юзасидан ташиллот қилинган хонадан қадам товшулари, машинанинг чиқиллаши, гурун овозлари эшитилиб турарди. Янги сайланган касабачи уюшма гуруҳи ташиллотчилари билан Собиржон эндигина кенгашиб чиққанди. Қўрғонтепа туман Агроекономика мажмуи ходимлари касабачи уюшма кўмитаси вилотта ўз нуфузи бор. Ташиллотта 18 та ширкат ҳўжалиги, дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти, пахта тозалаш заводи, ҳайвонот касалликларини даволаш станцияси, давлат бош пиллаҳонаси, қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси, касбунара коллежлари бирлашган бўлиб, уларда 27 минг 673 нафар уюшма аъзолари меҳнат қилаётир.

Соҳанинг қон томири бўлган гуруҳ, цех ташиллотларидаги ҳисобот-сайловларда жамоа шартномаларининг ижроси тахлили диққат-эътиборда турди. «Намуна» ширкат ҳўжалиги касабачи тасарруфидоги 23 та гуруҳ, 6 та цех ташиллотларига 1,5 мингдан зиёд аъзо уюшган

ИНСОН ШАЪНИ

ҳар
нарсадан улуг

бўлиб, ҳисобот-сайловлар яқинда якунланди. Машинатрактор парки ташиллотда ўтказилган ҳисобот йиғинида маърузачилар касабачи раиси Мاستураҳон Иброҳимов билан цех етакчиси Обиджон Насриддиновнинг фаолиятини «нишонга» олдилар. Тракторчи Неъматжон Сармонов, ҳисобчи Маҳфузаҳон Хайдарова эҳтиёт қисмлар тақчиллиги, ёқилги-мойлаш материалларининг исроф қилиниши, соловчиларни рағбатлантириш, тунги сменада ишловчиларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, бир сўз билан айтганда, жамоа шартномаси ижросида касабачи уюшма кўмитаси ва раҳбариятнинг сустқилиши ҳақида қуюниб гапирдилар.

3-9, 18-пудрат гуруҳларидаги йиғин мунозаралар асосида ўтди. Ижарачи Зокиржон Алибоев ерларнинг унумдорлигини ошириш, бугундан кейинги майдонларни аҳолининг кам таъминланган табақаларига шартнома

Йиллар мазмуни

билан бирктиш таклифини илгари сурди. Ширкат бошқаруви ҳамда касабачи тақлиф, эътирозларни исзис қолдирмади. Галладан бўшаган экинзорларни эҳтиёжманд оилаларга бўлиб бериш тўғрисидаги қўшма қарор эълон қилинди. Натихада 36 гектар ер тақсимланди.

Ҳисобот йиғинларда касабачи уюшмалар фаолиятини ба-

та маблаглари, аъзолик бадалларидан қардорликка барҳам берилмаётганлиги танқид остига олинганлиги. Кўмита иш бевучиларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан касабачи уюшмалари вилот Кенгаши орқали ҳўжалик судига даъво аризаси киритди. Адолат қарор топди. 9 миллион 262 минг сўмлик пул маблаглари айбдорлардан ундирилди.

Тармоқ кўмитаси билан туман ҳокимлиги ўртасида имзоланган битишувда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, бандлик дастурини амалга ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ишсизликни олдини олишда касабачи уюшмаларининг иштирокига алоҳида ўрин берилган. Бу тадбирлар жамоа шартномалари ижросини таъминлаш орқали амалга оширилмоқда. Ҳисобот даврида 2 та 50 ўринли қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Энг чекка қишлоқларга 11 километр узунликда табиий газ, 9,5 километр узунликда тоза ичимлик суви қувурлари тортиб келинди.

Бандлик дастурини ҳаётга тадбиқ этишда тармоқ кўмитаси иш бевучилар билан ҳамжихат иш юритди. Тадбиркор, ишбилармонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини жамоа шартномалари орқали ҳимоя қилди. Кейинги йилларда туманда янгидан 133 та кичик ва ўрта қорхоналар очилди. Шу ҳисобдан 2000 нафарга яқин ишсиз ёшлар муқим иш ўрнига эга бўдилар.

Мўқокамалар жараёнида тармоқдаги туман машинатрактор парки, Ш.Рашидов номи боғдорчилик ширкат ҳўжалиги, механизациялашган кўчма жамланма ташиллотларида иш ҳақидан, суғур-

Собиржон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» муҳбири

ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ МАСКАНИ

Тошкент туманидаги Кўктерек қишлоғида 140 мингга яқин кишига хизмат кўрсатадиган шифолини тез тиббий ёрдам бўлини фойдаланишга топширилди.

Унда сақсонга яқин тиббиёт ходими хизмат қилади. Муассаса барча зарур тиббий асбоб-ускуна ва алоқа воситалари билан таъминланган.

Ховосда Мустақиллик кўни арафасида транспорт касб-ҳунар коллежи очилди.

Янги ўқув муассасаси 600 ўқувчи ўрнига мўлжалланган. Физика, кимё, информатика ва компьютер технологиялари синфлари учун 153 миллион сўмлик замонавий ускуналар сотиб олинди. Узоқ қишлоқлардан келган ўқувчилар учун 60 ўринга мўлжалланган ётоқхона қурилган.

Янги ўқув йили арафасида Сайхунбод, Гулистон ва Сардоба туманида ҳам касб-ҳунар коллежлари қурилиши якунланмоқда, деди Сирдарё вилоти ҳокими ўринбосари Мухтор Эркаев. - Оқолтин тумани Сардоба ва Фарғона

ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

қишлоқларида эса агроекономика мажмуи ва коммунал хизмат соҳаси учун мутахассислар тайёрланадиган коллежлар тўлиқ таъмирланди.

Сирдарёда тўртта касб-ҳунар коллежи қурилиб фойдаланишга топширилгани туфайли 2700 та янги ўқувчи ўрни яратилди. Барча коллежларда чиройли ўқув биноларидан ташқари спорт заллари ва очик спорт майдончалари бор.

(ЎЗА)

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ


Ўзбекистон мустақиллигининг 13 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Мустақил юртимизнинг буюк келижагини яратишдек бунёдкорлик ишларингизда муваффақият ёр бўлсин!



ҚЎШКЎПИР ТУМАНИ ҒАЗОВОТ МАИШИЙ ХИЗМАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Ҳар биримиз
фидойи
меҳнатимиз,
эътиқоду
садоқатимиз билан
мустақиллигимизни
мустаҳкамлашга
муносиб ҳисса
қўшайлик, она
Ватанимизни
гуллаб-яшнатиш
йўлида мавжуд
имкониятлардан
унумли
фойдаланайлик!






АКЦИЯДОРЛИК - ТИЖОРАТ

«ПАХТАБАНК»

Ўзбекистон халқини,
ўз акциядорлари ва
мижозларини
Республикамыз
Мустақиллигининг
13 йиллик байрами
билан самимий
қутлайди

«ПАХТАБАНК» — фаровонлигингиз калитидир



РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ҒАЛЛАБАНК»

Бошқаруви ва меҳнат жамоаси серкуёш Ўзбекистон халқини, шу жумладан, ўз мижозлари ва акциядорларини Ватанимиз истиқлолининг 13 йиллик байрами билан чин дилдан муборакбод этади. Барчага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ҳар бир хонадонга файзу барака тилайди.



Қутлуғ байрамга тухфа сифатида янги «SHODIYONA» омонат турини таклиф этади. Ушбу омонатга ўз пул маблағларингизни жорий йилнинг 15 сентябригача қўйишингиз ҳамда 2 ой ҳисобидан 6 фоиз миқдорида даромад олишингиз мумкин

«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтиради

Оила муҳити

ЮРТ КОРИГА ЯРА, ЎҒЛОН!

Эсимда, тоғам ҳар куни ишга отланаётиб «Она, оқ фотиҳа беринг» дея ичкари уйга кирар эди. Шунда фаришасифат энам кўлларини дуога очиб ниятларини айтар, сўнг «Одамлар ўз ташвишларини ишониб елкангга ортса оғринма, ҳеч кимнинг сени даракламай қўйишдан кўрк болам!» дердилар. Бу гапнинг мазмунини йиллар ўтгач тушундим. Ўғиллар ўз юртига керак бўлиб яшашда ҳам бир ҳикмат бор экан!

«Энди сен улғайиб қолдинг, акаларингга қўшилиб юр, отанг насиҳатини ол!» деб уқтирган. Ҳатто эски мактаблардаям эр йигитнинг ахлоқий тарбиясига эътибор қаратилган. Сабоқлар тугаши биланок домла ўғил болаларни бир жойга йиғиб, уйда ота-онага, опа-сингилга, хоёлақ аммаларга қандай муносабатда бўлиши кераклигини қайта-қайта таъкидлаган. Ўғил бола ота томонидан қаттиқ назорат қилинган.

Ойқор тоғнинг этакларида яшайдиган Чучук момо болаларни ёнига туллаб, қишлоқнинг тарихи ҳақида уларга сузлайди: «Ҳадича кампирнинг бешта ўғли бор эди. Қишлоққа душман оралаб ҳаммаёқни кунпаякун қилаётганида шу бешаласи кўларига кўр олди. Ёв томонга от суриб бораверишган. Уларнинг шиддатини кўриб душман ортга чекинган, лекин ўғилларнинг бештаси-ям шу жойда шаҳид бўлганлар. «Беш ўғил бирлашиб ёвни енгди, биз душмандан кутулдик, аммо сен бахтсиз бўлиб қолдинг-да» дебди қишлоқ оқсоқоли аёлни юпатиб. Шунда Ҳадича кампир «Ҳозир мендан кўра бахтлироқ она йўқ. Ўғилларини юрт ишига яроқли бўлинглар, деб устиргандим, берган оқ сутимни оқлашди. Агар ёв келганда улар бир четда қараб туришганида эди, дунёда мендан бахтсизроқ аёл бўлмасди!» дебди. Одамлар мард ўғлонларни дуо қилишди ва уларнинг хотираси учун шу қишлоқни Бешўғлон деб атабдилар!»

Ривоятлар – ҳаёт ҳақиқати. Биз бундай ҳақиқатларни болалигимизга тез-тез айтиб турмоғимиз лозим. Зеро, бугунги ўғиллар оламини теран англапти, ўз тақдирини юрт тақдирини билан боғлашмоқда... Мен Жаззах даштларда қишлоқ болалари билан суҳбатлашганимда бунга амин бўлдим.

Журналлардан ўқиб билдик, одам ўз имкониятларининг ўндан биринчигина ишга соларкан. Олимларнинг аниқлашича, агар биз имкониятларимизнинг аримдан фойдалансак, 40 та чет тилини, 15 жилдик улкан Қомусни ўзлаштиришимиз мумкин бўларкан. Демак, нимани хоҳласак шуни амалга оширишга қодир эканмиз, – дейди Бахмал туманидаги Удамали қишлоғида яшовчи Нурилла Болтаев.

Шундай иш тутсаки, ўғил бола ўз аждодлари билан фахрланса, улардек бўлиш орзусида яшаса, юртга қандай наф келтириши ҳақида тинмай ўйласа! Мана шундай ўй-хаёллар ўғлонларимиз юрагиде шакллантирган миллий гуруҳ хиссини улғайтиради, уни зарарли иллатларга берилиб кетишдан сақлайди, руҳий юксалтириб фақат олдинги етаклариди. Озод мамлакат учун ана шундай ўғлонлар зарур. Зеро, ҳамма вақт дунёга яхшилик соғиниб яшайдиган оналаримиз юртни асрайдиган доворак ўғлонларни вояга етказишни ўзлари учун бахт санайдилар.



Гулчехра ЖАМИЛОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Миллий қўшиқчилигимизга ўзига хос оҳанглар олиб кираётган истеъдодли хонанда Тошпўлат Матқаримов номи кўпчилик муҳлисига яхши таниш. Унинг ёқимли овози, гўзал қўшиқлари халқимиз қалбидан чуқур жой эгаллаб бормоқда. Хонанда айна кунларда ижодий изланиш билан банд.

Тошпўлат ака, ўтган йили ҳаётингизда анчайин янгиликлар содир бўлди. Чунотчи, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» деган шарафли унвонга сазовор бўлдингиз. Айтинг-чи, санъат йўлидаги шу кунгача қилган меҳнатингиздан қониқиб ҳосил қилдингизми? – Дарҳақиқат, бу юксак унвон мени жуда хурсанд қилди. Ижод қилишим учун янгидан куч бағишлади, руҳлантирди. Бироқ мен бунга арзирли иш қилиб улгурдим, деган фикрдан йироқман. Ак-

халқ шоири Тўра Сулаймоннинг «Бу кеч ой ботмасайди...», таниқли шоир Азим Суюннинг «Келинчагим» шеърлари асосида қўшиқлар яратдим. Муҳлислар томонидан яхши кутиб олинди. Худо хоҳласа, бундан кейин ҳам кишилар қалбига кириб борадиган ашулалар яратиш ниятим бор.

ҚЎШИҚ ИНСОНГА ҚАНОТ



ашулалар эшитиб, ўзбекиона урф-одатлар ичида

Чунки уларнинг тағ заминда эзгулик, мардлик каби халқимизга хос аjoyиб хислатлар ётибди. Энг асосийси, бу орқали теран илдизларимизга боқамиз, улардан озиқланамиз. Илдиздан узилиб қолиш эса, табиийки, завоқ топиш деганидир. Шу маънода куй-қўшиқдаги дард-нола халқ юрагига қанчалик яқин бўлса, у шунчалик одамлар томонидан севиб тингланади. Бундай қўшиқнинг умри узок бўлади. Айна шу жиҳатдан бугунги қўшиқчилигимизда оқсашлар бор. Демак, ўзини хонанда санаган, санъат йўлида изланаётган ҳар бир инсон халққа яқинлигини ҳис этиб ижод қилса, бу борадаги камчиликлар барҳам топарди.

«Отарчи» деб таърифланадиганлар ҳақида... Фақат мақсади пул топиш, санъатга зарроча алоқаси бўлмаган «хофиз»лар кейинги пайда анча «бола»лаб кетди. Улар ўзларида йўқ хусусиятларни техника ёрдамида тўлдириб, реклама қилишга уста бўлиб кетишган. Бу бориб турган фирромликдир. Санъат сохталик, юзакиликни ўзига қабул қилмайди. Қўшиқ қандай мавзуда бўлмасин, энг аввало, тингловчи қалбига етиб бориши керак. Масалан, Юлдуз Усмонова, Севара Назархонлар мустақиллик, миллат, Ватан ҳақида юракка тегадиган, кўнгилда завоқ уйғотувчи қўшиқлар қўлай олишди-ку. Шундай экан, ҳар бир қўшиқ хонанданинг аввало юрагиде пайдо бўлиши керак. Қўшиқчи сифатида амал қилиб яшайдиган ширингиз борми? – Мен истеъдод ақл билан бошқарилиши керак, деб ўйлайман ва шу қоидага амал қиламан. Яъни ҳар бир қўшиқнинг мусиқаси гўзал, ижроси жозибадор бўлиши билан бирга унда айтилаётган сўз ҳам пурмазо бўлиши керак. Ана шу улчиқа пўтур етса, қўшиқ муҳлислар хоҳлайдиган даражада чиқмайди. Тўлқин ШЕРНАЕВ суҳбатлашди

ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

синча, елкамга бир дунё масъулият юклангандай ҳис қилдим ўзимни. Унвонни оқлаш учун ҳали жуда кўп ишларим керак, деб ўйлайман. Шундай иштиёқ билан Ўзбекистон

қандай бўлиши керак, деб ўйлайсиз? – Ҳеч бир ўзбек фарзанди йўқки, ёшлиқдан миллий қадриятларимиз асосида тарбияланмаса. Болалигимдан халқона

ўсиб-улғайиб, улар юрагимга қадрдон туйғуллар сифатида сингган. Бу азиз ҳисларимни қўшиқ қилиб қуйганда тўқинлашиб кетаман. Шундан киши қалбан покланади.

Бу қизик САБРИ ОЛМАХОНЛАР

Сувсизликка чидашда туяга етадигани йўқ эди. Шунинг учун ҳам туялар бу борада жаҳон рекордчилари ҳисобланганди. Негаки, улар икки ҳафта сув ичмай ҳам юра олишадиди. Аммо Мексика тоғларида яшовчи олмахонлар туяларни доғда қолдириб, янги рекорд ўрнатиди. Муҳташас олимларнинг эътирофи айтишларини бу олмахонлар уч ойгача сувсиз яшай олар эканлар.

БИЛАҒОНЛАР ҚИШЛОҒИ

Яшил боғлар ўлкаси Молдовада Гаванос номли қишлоқ бор. Бу қишлоқ ахлининг бошқалардан фарқи томони бўлмаса-да, аjoyиб бир ҳислати бор. Гаванослик ҳар бир киши қамиде беш тилини муккамал билади. Негаки, бу қишлоқда молдаванлар, руслар, украинлар, болгарлар, грузинлар, греклар ва бошқа миллат вакиллари яшайдилар.



Гўзаллик шайдоларига СОЧНИ УЗАЙТИРИБ, ҚОРАЙТИРИШ

Тут илдизини туйиб, сувга қўшиб бош ювилса, сочни узайтиради ва рангини гўзаллаштиради. Седанани туйиб сувга қўшиб малҳам тайёрланади. Уни вақти-вақти билан бошга суртиб турилса, сочни узайтиради.

Қора эчкининг туёқларини куйдириб, туйилади. Сўнг бирор ўсимлик ёғи билан аралаштириб, сочга суртилса, уни ўстиради. Агар қалампирмунчоқ туйиб, унга хина сувидан қўшиб олинган сочга суртилса, қораяди.

Испарғул уруғи, гулхайри ва беҳи ширалари қўшиб сочга суртилса, соч жингалак шаклга қиради.

Энига: 4.Юпка ва нафис ип газлама. 5.Соғлом бўлиш асосларидан бири. 11.Харбий офицерлик унвони. 13.Иш қийими. 14.Сувни тўсиш иншооти. 17.Тўрт юз грамма келадиган оғирлик ўлчов бирлиги. 21.Ўзбек халқ достонларидан бири. 22.Маълум бир фалиятни текшириш, қузатиш. 24.Оғир саноат корхонаси. 25.Бахтли тақдир, порлоқ келажак.

КРОССВОРД

Crossword puzzle grid with numbers 1-26 indicating starting points for words.

Ф.ОРИПОВ тузди

ХОККЕЙЧА ҲИСОБ

Одатда футболни ривожланган Европа мамлакатлари миллий чемпионатлари, кубок учрашувларида йирик ҳисоблар камдан-кам ҳолатларда қайд этилади. Бироқ ўтган ҳафта бўлиб ўтган Германия кубогининг дастлабки босқич ўйинлари бундан мустасно бўлди. Бир неча баҳс йирик ҳисоблар билан якуланди. Айниқса, «Шёнберг-95» ва «Кайзерслаутерн» жамоалари иштирокчилар футбол спектакли голларга бойлиги билан яққол ажралди турди.

ЛУҚМОНИ ҲАКИМ ДЕЙДИКИ...

Ҳалқимиз Луқмони Ҳакимнинг номини неча асрлардан бери таъабот илмининг пирю-комили, нафаси ўткир табиб сифатида тилдан қўймай келадим. Шундан бўлса кераки, бирор дардга йўликса аввало, ана шу буюқ табиб руҳидан мавад сўрайди, ундан мерос бўлиб қолган ўғитларга амал қилади, ундан мерос бўлиб қолган истиклол туйғули Луқмони Ҳаким мероси халқ мулкига айланади. Қуйида ҳар сўзи дардларга малҳам бо-бокалонимиз ўғитларидан намуналар беряпмиз.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси. Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ. Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Зайниддин Рихиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 23.30. Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўрсаткичи: 133; 134. Ўзбекистон Матбуат ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.